



## Савол:

Ассалому алайкум ҳурматли биродарлар. Аввалги берилган жавобларингиз учун Аллоҳ рози бўлсин. Менда яна бир зарурий савол туғилиб қолди. Соқол ҳақида. Баъзи биродарларимиз соқолни олишлик жуда ҳам катта гуноҳ дейишмоқда, баъзилари эса «Бу суннати муаккада» Қўйса савоб-қўймасдан олиб юрса гуноҳ эмас дейишмоқда. Лекин ҳаммаларида ўз далиллари бор. Менда соқол йўқ. Биродарларим соқол қўйишга сал-кам мажбурлашяпти, Лекин мен вақти келиб яъни ишлар-ўқишлар тугагач Ўзбекистонга қайтаман, унда аҳвол не кечади, ёки борганда олиб ташласа бўлаверадими? Биродарлар, биламанки бу саволга осонликча жавоб бериб қўйилмайди. Лекин сизлардан илтимос шуни қўлларингдан келганича менга айтиб берсангизлар, жуда ҳам хурсанд бўлардим, Аллоҳ ўзи ҳаммамизни ҳидоятдан адаштирмасин. Саломат бўлинглар.

## Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳ ҳурматли биродар. Савол-жавоб рукнимиздаги Ҳалол ва ҳаром бўлимига қарасангиз соқол ҳақида айтилган. Уни олиш катта гуноҳлигида шак-шубҳа йўқ. Тўрт мазҳабда соқолни қириш ҳаром дейилган, фақат улардан бири шофеий мазҳабида макруҳ деган қавл ҳам бор. Соқол қўйиш суннати муаккада дейдиганларнинг сўзлари заиф. Чунки усулда буйруқ-амр фарзни тақозо қилади дейилган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам соқол ҳақида нечта ҳадис айтган бўлсалар уларнинг барчасида соқолни қўйишга, мўйлабни қисқартишга амр бўлган. Биронтасида уни фарзликдан суннатликка бурадиган нарса йўқ. Аллоҳ таоло: «(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна-кулфат етиб қолишдан ёки аламли азоб етиб қолишдан



ҳазир бўлсинлар!», деб айтган. Бироқ инсон тоқатидан ортиқ нарсага мажбур қилинмайди, яъни сиз юртингизга қайтганингизда саҳобаларникига ўхшаган кўркам ва гўзал соқол билан қайтсангиз (агар ҳолат шу кунлардагидек бўлса) соқол сабабли сизга кўп мусибатлар етиши мумкин, шунинг учун ҳолатга қараб инсоф билан иш қилиш керак. Сизнинг ҳозирги яшаётган жойингизда соқол қўйишнинг имкони бўлса, сиз ҳозирданоқ соқол қўйишга буюрилгансиз, сизга соқол қўйиш фарз. Қачонки юртингизга қайтсангиз, ҳолатлар қандай бўлишига қараб ўзингизга гап тегмайдиган даражада (узунликда) соқол қўйишингиз лозим, агар ҳеч иложи бўлмаса тагидан (ўзингиз хоҳламаган ҳолда, бу ишни ёмон кўриб, эй Аллоҳ ўзинг кўриб турибсан мен шунга мажбурман, бўлмасам мен бу ишга қўл урмаган бўлардим деб афсусланган ҳолда) олиб ташлайсиз. Ва яна қачон имкони топилса дарҳол қайтадан кўясиз. Бунга зарурат дейилади, худди бир киши очидан ўладиган бўлиб қолдию ҳаром ўлган молнинг гўштидан бошқа бирор егулик топмади, чор атрофида фақат шу ҳаром ўлган молдан бошқа егулик йўқ. Шу ҳолда унга ана шу гўшtdан ҳаётини сақлаб қоладиган миқдорда ейиш ҳалол бўлади. Мазза қилиб, қорнини гум қилиб, тўйдириш эмас. Шу ҳолда унинг олдидан биров ўтиб қолиб унга бир бўлак қотган нон берса у шу нонни ейди, энди халиги ўлимтикни ейиш унга ҳаром бўлди, ислом берган рухсат тугади. Соқолнинг ҳукми ҳам шундай, танага, молга динга, ор-номусга, ақлга зарар етадиган ҳолда уни олиш фарз бўлади, бу ҳол ўзгариши билан уни қўйиш фарз бўлади. Валлоҳу аълам